

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ТошПТИ ректори профессор
Б.Т. Даминов

“ ” 2022 й.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР БЎЛИМИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Илмий кадрлар тайёрлаш бўлими 1972 йилда ташкил топган. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 07/8-68 – сонли топишириғи ва 2005 йил 25 августдаги модемোগрамма № 8/7-04-127 сонли асосида илмий ва илмий педагогик-кадрлар тайёрлаш бўлими деб ҳисобланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли Қарори асосида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозими жорий қилинди. Шу сабабдан бўлим ҳам илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик - кадрлар тайёрлаш бўлими деб юритилган. 2022 йил сентябрь ойидан бошлаб - **илмий тадқиқотлар, инновациялар бўлими** - деб ўзгартирилган.

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Илмий тадқиқотлар, инновациялар бўлимини мақсад ва вазифалари:

- Институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва кафедраларни илмий салоҳиятини ошириш;
- Мамлакатимиз тиббиёт фанининг жаҳон илм-фанига интеграциялаш фаоллигини кўрсаткичларни ошириш;
- Илмий – тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш;
- Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- Иқтидорли талабаларни аниқлаш (ТИЖ) ва уларни тайёрлаш услубиятини, педагогик ва психологик шароитларини яратиш ҳамда амалга ошириш;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларни мониторингини олиб бориш;
- кафедраларни илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича нашр ва чоп этилган ишларни кафедрада ва бўлимда нусхалар билан таъминлаш;
- Кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисобот қабул қилиш

ва уларни муҳокама қилиб Илмий Кенгашда кўриб чиқиш;

- Давлат грантлари бўйича мониторинг ўтказиш, йиллик ҳисоботларини белгиланган муддатларда топширишни амалга ошириш;

- Докторантура ва стажёр-тадқиқотчиларни Низомга асосланиб қабулни ташкил этиш ва ўтказиш;

- Муаммоли Кенгашларни узлуксиз ҳисоботларни таҳлил қилиш ва камчиликларни бартараф этиш;

Диссертацияларни илмий тадқиқот натижалари бўйича бирламчи материалларини текшириш;

- Диссертацион ишларни ҳимоядан олдин Муаммоли ва Апробацион Кенгашларда биргаликда кўриб чиқиш;

- Таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларни ярим йиллик ва йиллик аттестацияни ташкил қилиш ва ўтказиш;

Тадқиқот натижаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишни мониторингини олиб бориш;

- Клиник ординаторларни ярим ва йиллик аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказиш;

- Доимий Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги, Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан келган буйруқ фармойиш ва модемномаларга жавоб бериш;

- Режа асосида институт ички назорат бўлими билан кафедраларни илмий фаолиятини баҳолаш.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР БЎЛИМИНИ ҚОШИДА:

1. Муаммоли Кенгашлар (тиббий – биологик, педиатрия ва хирургия) бўйича.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ИЗЛАШ, АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Низом, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва унда иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш тартиби ҳамда улар билан мақсадли ишлашнинг шакл ва услублари белгиланган.

Иқтидорли ёшлар - Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим омил ва миллат зийнати ҳисобланади.

Улар мақсадга интилиш, қатъийлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари ҳамда ижодий фаолият билан шуғулланиш истаги билан ажралиб турадилар.

Иқтидорли ёшларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлашнинг асосий мақсади – республиканинг илмий ва ижодий салоҳиётини ривожлантирувчи интеллектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истеъдод соҳибаларига,

билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг саниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишдир.

Иқтидорли ёшларни мақсадли тайёрлаш вазифалари:

- иқтидорли ёш ходимларни интеллектуал салоҳиятини чуқур билим олишга ва қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- малакали профессор-ўқитувчиларни иқтидорли ёшлар билан индивидуал ишлашга жалб этиш;
- илм-фан тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш;
- иқтидорли ёш ходимлар бўйича мониторингини шакллантириш;
- ҳар томонлама баркамол топган кадрларни тайёрлаш.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛОВЧИ РАҲБАР ВА ПРОФЕССОР –ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАНЛАШ

Иқтидорли ёш ходимларга дарс беришга илмий даражали ва талабани мақсадли тайёрлаш дастури бўйича етарли билимга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб этилади.

Иқтидорли ёш ходимларга илмий раҳбар этиб, ижодий ва услубий ишлаш тажрибасига эга бўлган, ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича рейтинги юқори бўлган профессор ва доцентлар тайинланади.

Иқтидорли ёшларни илмий раҳбарларнинг асосий вазифалари:

- иқтидорли ёш ходимни мақсадли тайёрлаш дастурини тузиш ва уни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- иқтидорли ёш ходимни билан ишлаш бўйича етакчи хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш;
- янги педагогик технология ва компьютер технологияси кенг қўллаш.
- мақсадли дастурни муваффақиятли бажараётган иқтидорли ёш ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш ва уларни докторантура ва таянч докторантурага тавсия бериш.

МУАММОЛИ КЕНГАШЛАР (ТИББИЙ – БИОЛОГИК, ПЕДИАТРИЯ ВА ХИРУРГИЯ) БЎЙИЧА НИЗОМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошида илмий тадқиқотлар, инновациялар бўлимини қошида илмий ва илмий педагогик-кадрлар тайёрлаш дастурига асосан 3 та Муаммоли Кенгаш (тиббий – биологик, педиатрия ва хирургия) йуналишидаги кафедралараро Муаммолар Кенгаши ташкил этилган.

МУАММОЛАР КЕНГАШИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга ошириш, юқори сифатли илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Муаммолар Кенгаши таркибига барча йуналишидаги барча кафедраларнинг мудирлари ва етакчи мутахассислари киради.

Муаммолар Кенгаши таркиби институт ректорининг буйруғи билан 5 йилга тасдиқланади.

Ҳар ўқув йилининг бошида ҳар хил сабабларга кўра Кенгаш таркибидан чиққанлар ўрнига янги аъзолари сайланади ёки Низом бўйича киритилади.

ТОШПТИНИНГ МУАММОЛИ КЕНГАШИДА КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ катта илмий –ходим, стажёр-тадқиқотчи изланувчилар, мустақил изланувчилар ва магистрлик диссертациялари мавзуларини муҳокама қилади ва тасдиқлайди;

- Докторантура, стажёр-тадқиқотчи ва мустақил изланувчиларни илмий тадқиқотларни бажарилиши бўйича йиллик ҳисоботларини тинглайди, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун тавсиялар беради;

- Кенгаш методик ва ўқув-методик қўлланмаларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- Куриб чиқиётган методик, ўқув методик ва диссертациялар мавзу ва моҳиятида камчиликлар топилганда Кенгаш муаллифларга уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади. Бундай ҳолларда илмий ишлар факат камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, йиғилишда қайтадан кўрилиб тасдиқланади;

- Муаммолар Кенгаш йиғилишлари режа асосида ҳар ойда бир маротаба ўтказилади;

- Кенгаш муҳокамасига кўйилаётган ишлар хақидаги маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар Кенгаш котибига йиғилиш ўтказилишидан бир ҳафта олдин топширилиши шарт;

- Муаммолар Кенгашига такдим этилган илмий ишлар, методик ва ўқув-методик тавсиялар бирламчи босқичда кафедра йиғилишида муҳокамадан ўтгандан сўнг ва тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлгандагина кўриб чиқишга қабул қилинади;

- Апробациясини ўтказиш навбатини режалаштиришда кенгаш бошқа ташкилотлардан келиб апробация қилувчиларнинг диссертацияларини қабул қилади;

- Кенгаш аъзоларининг орасидан мутахассислардан тузилган комиссия диссертация билан танишиб чиқиб, мазкур диссертация бўйича рецензентлар тайинланади;

- Барча ишлар бўйича Муаммолар Кенгашнинг қарорлари очик овоз бериш тартибда, кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади;

- Кенгашнинг мажлиси баённома билан расмийлаштирилади;

Қабул қилинган қарорлар Муаммолар Кенгаши раиси ва котиби томонидан имзолангандан кейин кучга киради.

ТошПТИ МУАММОЛАР КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА РЕГЛАМЕНТИ

1. Муаммолар Кенгаш йиғилишини ўтказишдан 3 кун олдин илмий ва илмий-педагогик тайёрлаш бўлимига кун тартибини олиб келишлиги шарт.

2. Муаммолар Кенгаш йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Кенгаш раиси ва котиби зиммасига юклатилади.

3. Муаммолар Кенгаши аъзолари рўйхати ўқув йилнинг бошида ректор томонидан тасдиқланади.

4. Котиб кўриладиган масалалар бўйича жавобгар шахслар билан биргаликда Муаммолар Кенгашнинг кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотнома қарор лойихаларини тайёрлайди.

5. Котиб йиғилиш бўлиб ўтадиган жойни белгилайди ва зарур бўлган ҳолда мультимедиа жихозлар билан таъминланишини назорат қилади, йиғилишга таклиф этиладиган ходимларни белгилайди ҳамда Кенгаш аъзоларига йиғилишга таклифномаларни ўз вақтида етказилишига жавобгар хисобланилади.

6. Йиғилишнинг кун тартиби йиғилиш ўтказилишидан 10 кун илгари тайёрланади ва Муаммолар Кенгаши аъзоларига тарқатилади.

7. Йиғилишда сўзга чиқувчилар Муаммолар Кенгаши кун тартибига қуйидагича риоя қилади:

- Кенгаш раисининг кириш сўзи – 3 минут.
- Куриладиган ишнинг кискача тақдим этиш – 5 минут
- Иш юзасидан савол-жавоб ўтказиш ва муҳокамаси – 15 минут
- Ишга тақриш бериш – 10 минут

8. Котиб кенгаш йиғилиши қарорлари ўрнатилган тартибда расмийлаштиради.

**Илмий тадқиқотлар, инновациялар
бўлими бошлиғи, доцент:**

Ш.Р. Абзалова

**Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректор, профессор**

С.С. Гулямов